

Тормоз механизми хосил қилиши керак бўлган тормоз моменти филдиракдаги тормоз моментида кичик бўлмаслиги керак, яъни $M_{TM} \geq M_{T\phi}$.

Бу тормоз моментини ҳосил қилиши учун тормоз колодкаларига қуйидаги юритма кучи таъсир қилиши керак:

$$P^I = \frac{M_{тц}}{2 * \mu * r_d} \quad (6)$$

бу ерда: μ - ишқаланиш коэффиценти;

r_d -тормоз механизми марказидан колодкагача бўлган масофа, м

Шу юритма кучини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$P^I = P_{ш} * U_{г.ю} \quad (7)$$

Юқоридаги (2) ва (6) формулаларни тенглаштирамиз:


$$\frac{M_a * g * \varphi * r_k}{8 * \mu * r_d} = [U_{п} * P_{п} + (\rho_a - \rho_b) * \pi * R_m^2] \quad (8)$$

Бу формуладан ВК мембранасининг радиусини аниқлаш мумкин:

$$R_m = \sqrt{\frac{M_a * g * \varphi * r_k - 8 * P_{п} * U_{п} * \mu * r_d * U_{г.ю}}{8 * \pi * \mu * r_d * (\rho_a - \rho_b) * U_{г.ю}}} \quad (9)$$

(9) формуладан фойдаланиб турли хилдаги енгил автомобиллар ВКларининг мембрана радиуслари аниқланди ва R_m нинг M_a га боғлиқлик графиги қурилди.

№	Автомобиль маркаси	Автомобиль массаси	ВК мембранасининг радиуси
1.	Кобалт	1072	0.31
2.	Нексия	1460	0.36
3.	Шкода Фабио	1650	0.38
4.	Малибу	2100	0.43
5.	Форд Транзит	2880	0.50



2-расм. Вакуум кучайтиргич мембранаси радиусини автомобиль массасига боғлиқлик графиги.

Демак, юқорида келтирилган услуб ёрдамида турли массали енгил автомобилларнинг тормоз юритмасидаги ВК радиуси(R_m)ини асослаш мумкин.

Адабиёт:

- Осепчугов В.В., Фрумкин А.К. «Автомобиль. Анализ конструкций, элементы расчета» М., Маш, 1989г. 304с.